

## АСФАЛЬТБЕТОН ҚОПЛАМАЛАРИНИ УСТКИ ЮЗАСИНИНГ ЕМИРИЛИШИ ВА УНИНГ САБАЛЛАРИ

**Юлдашев Акмал Темирович катта ўқитувчи, Кучкоров Ёқубжон  
Исмагилович катта ўқитувчи**

*Тошкент давлат транспорт университети*

**ARTICLE INFO.**
**Калит сўзлар:**

Асфальтбетон қопламаси, қоплама юзаси, емирилиш, йўл тўшамаси, материаллар.

**Аннотация**

Мақолада асфальтбетон қопламали автомобиль йўлларининг устки юзасида хосил бўладиган емирилишларнинг сабаблари таҳлил қилинган.



<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2022 LWAB.

Асфальтбетон қопламаларининг устки юзасининг емирилиши- об-ҳаво омиллари билан биргаликда транспорт воситалари ғилдиракларининг ҳаракатлри таъсири остида материал йўқотилиши натижасида қоплама қатлами қалинлигини камайтириш жараёнидир[1]1-расм.



**1-расм. Асфальтбетон қопламаларидағи емирилиш ҳолати.**

Шу билан бирга, емирилиш миллиметр билан ўлчанадиган бу камайишнинг ҳақиқий миқдори сифатида тушунилади 2-расм.



**2-расм. Қопламани емирилишини улчаш қурилмаси.**

1- индикатор; 2-компас; 3-қурилманинг таянч елкаси; 4- емирилиш қийматини улчаш учун қозық жойи; 5- метал стакан жойи.

**3-расм. Репер белгиси ёрдамида емирилиш үлчови.**

а –кесим белги; б –режадаги белги; в – емирилиш ҳисоблаш чизмаси; 1 – реппер белгиси узунлиги; 11 – емирилгандағ кийинги кенглик; Н – qoplamaning dastlabki qalınlığı; h –қопламанинг емирилигидеги қисми қалинлиги; ho –колган қоплама қалинлиги

Йўл юзасининг емирилиши истисносиз барча йўлларда содир бўлади, лекин емирилиш даражаси ва катталиги кўпгина йўл қопламасига таъсир қиладиган омилларга ва қопламанинг турларига боғлиқ.

Автомобиль транспорт воситалари қопламаларнинг емирилишига энг катта таъсир кўрсатади. Ғилдиракка узатиладиган юк остида, шина қопламани секин сиқади[2]. Шу билан бирга, шинанинг қоплама билан алоқа зонасига киришида шинада сиқиши пайдо бўлади ва контактдан чиқишида кенгайтириш содир бўлади. Шунинг учун қоплама текислигидаги нукта қоплама билан алоқа қилишдан олдин қандай ҳаракатланганидан катта тезланиш билан ҳаракатланади. Шунинг учун нукта қоплама бўйлаб битта думалаш ўрнига сирпаниш билан маълум узунликдаги йўлни ўтади.

Ғилдирак изи текислигига бу орттирилган тангенсиал кучланишлар таъсирида автомобильнинг қопламаси ва шинаси эскиради. Энг катта тангенсиал кучлар ва энг катта емирилиш автомобильни тормозлашда содир бўлади. Юк автомобилларининг ҳаракатланиш вактидаги емирилиш йўловчи автомобилларини бошқаришдагига нисбатан тахминан 2 марта юқорироқ бўлади [3].

Қоплама материаллари таркибидаги турли улчамлардаги чакиқтош ва қумларнинг йўллардан оғир транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракатланиши ва иссиқ темпиратура ҳамда ёғингарчиликнинг кўп ёғиши натижасида майдо доналарини ажратиб чиқиши ҳисобига қопламада аста секин емирилиш ҳолати юз бера бошлайди. Бундан ташқари асфальтбетон қопламаларининг ҳизмат қилиш муддатининг ошгани сари қопламадаги органик боғловчи ҳисобланган битумнинг эскириши ҳисобига ҳам қоплама юзасида турли ҳилдаги омиллар натижасида емирилиш ҳолати юзага келади.

Қоплама таркибидаги тулдирувчиларнинг мустаҳкамлиги қанчалик паст бўлса қопламаларда емирилиш даражаси анча юқори бўлади ва қопламада ғилдирак изи деформациялари тез-тез ҳосил бўлади. Асфальтбетон таркибини мустаҳкам материаллардан фойдаланиб лойиҳалашда магматик тоғ жинсларнidan фойдаланиш 60% га қоплама юзасининг емирилиш миқдорини камайтиради, ҳамда битум миқдорини 5 дан 7% гача ошириш емирилиш миқдорини 50-80% га камайтиради[4].

Асфальтбетон қопламасининг бўтун катнов қисми бўйлаб емирилиш ва қопламалардаги ғилдиган изи деформациялари бир ҳил ҳосил бўлмайди. Бу автомобилларнинг ҳаракатланиш участкалари бўйлаб турли ҳилда амалга ошиб боради. Қопламаларда оғир транспорт воситаларининг ҳаракатланиши натижасида ҳосил бўлган ғилдирик излари чуқурлиги бир неча миллиметрдан 50 мм ва ундан ортиқ ўзгариши мумкин. Бундай ғилдирик излари натижасида содир бўлган чуқурчаларда ёмғир пайтида сезиларли сув қатлами тупланади, бу эса қопламанинг сифати ва ҳизмат муддатининг пасайишига ҳамда йўлларда ҳаракатланишининг ховфлилк даражасининг ошиб кетишига олиб келади.

Қопламанинг бутун майдони бўйича ўртача емирилиш миқдори  $h_{cp}$  ни қўйдаги ифода олқали ҳисоблаш мумкин, мм.:

$$h_{cp} = K^* h_n, \text{ мм}, \quad (1)$$

бу ерда

к-нотекис емирилиш коэффициенти, ўртacha 0.6-0.7 га тенг;

$h_n$  -ғилдирикнинг думалаши натижасида ғилдирак изидаги емирилиш миқдори, мм.

Капитал қопламалар учун емирилиш мм, ўтиш типидаги қопламалар учун эса м<sup>3</sup>/км моддий йўқотиш ҳажми билан ўлчанади[5].

Асфальтбетон қопламалари юзасининг емирилиш хусусиятлари кўп ҳолларда қоплама юзасининг емирилиши баландликнинг пасайишида ва макро-ғадир-будурликларнинг ғадир-будурлигига намоён бўлади. Автомобиль ғилдираклари таъсирида қопламаларнинг макро-ғадир-будурлигининг камайиши икки босқичда содир бўлади. Биринчи босқичда, қурилиш тугагандан сўнг дархол қопламада транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракатланиши натижасида асфальтбетон таркибидаги йирик тулдирувчиларнинг куч таъсирида пастки қатламга ботиши натидасида қопламанинг маълум қийматларда пасайиши. Бу ботишнинг катталиги ҳаракатнинг интенсивлиги ва таркиби, патокнинг катталигига ва қопламанинг қаттиқлигига боғлиқ. Қопламанинг қаттиқлиги қаттиқлик синовчи игнанинг ботиш чуқурлиги билан баҳоланади ва асфальтбетон қопламалар учун қуйидагиларга бўлинади: жуда қаттиқ - 0-2 мм; қаттиқ - 2-5 мм; нормал - 5-8 мм; юмшоқ - 8-12 мм; жуда юмшоқ - 12-18 мм. цементбетон қопламалар мутлоқ қаттиқликка эга[6].

Қоплама емирилишини ҳисоблаш ўюли билан аниқлаш. Проф. М. В. Корсунский [+]формуласи билан аниқланиши мумкин (бу тадқиқотлар 50 йил олдин амалга оширилган ва уларнинг натижалари миқдорий қийматлари замонавий йўллар ва автомобиллар учун кам қўлланилади):

Қоплама емирилишини ҳисоблаш ўюли билан аниқлаш:

$$h = a + b \cdot B \quad (2)$$

ёки

$$h = \alpha + \frac{b \cdot N}{1000}, \quad (3)$$

бу ерда;

h - қопламанинг йиллик емирилиши, мм;

a- асосан, қопламанинг об-ҳаво қаршилигига ва иқлим шароитларига боғлиқ бўлган йиллик едирилиш қиймати;

b-қоплама материалининг сифати (асосан мустахкамлиги), унинг намлик даражаси, таркиби ва ҳаракат тезлигига қараб узгарадиган кўрсаткич;

B – транспортдан тушадиган йиллик юкламаси, йилига млн. тонна; N=0,001\*B (N-транспорт интенсивлиги, авто./сут).  $(4)$

Келажакда транспортнинг таркиби ва интенсивлигининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, қопламанинг бир вақтнинг ўзида емирилишини қуйидаги формула билан аниқланиши мумкин.

$$h_T = \alpha \cdot T + \frac{b \cdot N_1}{1000} \cdot \frac{(K \cdot q_1)^T - 1}{K \cdot q_1 - 1}, \quad (5)$$

бу ерда;

$h_T$  – қопламанинг йиллик емирилиши, мм;

$N_1$ -дастлабки йилдаги транспорт интенсивлиги, авто/сут;

$K=1.05-1.07$ -харакат таркибининг ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент;  
 $q_1$ -транспорт интенсивлигининг йиллик ўсиш кўрсаткичи,  $q_1 > 1.0$   
а ва  $b$  параметрларининг қийматлари[7] 1-жадвалда берилган.

#### 1-жадвал

Қопламалар	$a$ , мм	$b$ , мм/млн. брутто-тонна	Емирилувчанликни бир ҳилда бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда[ $h$ ], мм,
Асфальтбетон	0,4-0,6	0,25-0,55	10
Қовушқоқ органик боғловчилар билин ишлов берилган чақиқтош ва шагалли:			
Икки марта устки юзага ишлов берилган	1,3-2,7	3,5-5,5	25
Бир марта устки юзага ишлов берилган	1,4-2,8	4,0-6,0	12
Чақиқтошли:			
мустаҳкамдан тошдан	4,5-5,5	15,0-20,0	40
мустаҳкамлиги юқори бўлмаган тош материалларидан	5,5-6,5	19,0-25,0	50
Шагалли:			
мустаҳкам шағалдан	3,0-4,0	16,0-22,0	50
мустаҳкамлиги юқори бўлмаган шағалдан	4,0-6,0	20,0-30,0	70

Бу жадвалга асосан қўйидаги эслатмалар келтирилади.

1. Ўртacha намланиш зонасида (III йўл иқлим зонаси) жойлашган ва стандартлар талабларига жавоб берадиган тош материаллардан қурилган йўллар учун а ва б нинг ўртacha қийматлари олинади.
2. Ортиқча намлик зонасида (II йўл иқлим зонаси) жойлашган яхшиланган юзали йўллар учун юқори чегаралар, қуруқ иқлимли ҳудудларда (IV ва V йўл иқлим зоналари) жойлашган йўллар учун эса а ва b. қийматларининг қўйи чегаралари олинади.
3. Ҳаддан ташқари намлик зонасида жойлашган шағал ва шағал юзалар билан йўллар учун, пастки чегаралари олинади, ва қуруқ иқлим билан жойларда-юқори чегаралари а ва b.
4. Агар йўлнинг кенглиги 7.0 м дан ошса, b нинг қиймати 15% га камаяди ва 6.0 м дан кам бўлса, b 15% га оширилади[8]63-11].

Емирилиш учун йўл сиртининг чегаравий ҳолати мезони сифатида қўйидагилар рухсат этилган емирилиш қийматини олиш мумкин  $H_u$ :

- асфальтбетон қопламалар учун 10-20 мм;
- органик боғловчилар билан ишлов берилган майдаланган чақиқтош ва шағал учун - 30-40 мм;
- мустаҳкам майдаланган тошдан ясалган чақиқтошлар - 40-50 мм, шағал - 50-60 мм.

Шунга асосланиб, йўлларни таъмирлаш ёки таъмирлашдан кейин йўлларни мустаҳкамлаш билан қабул қилишда қурувчиларга қопламанинг рухсат этилган емирилиш микдори бўйича ҳисобланган мустаҳкамлик ҳолатидан катта қалинликка эга бўлишини талаб қилиши керак.

$$h_n = h_{nr} + H_u, \text{ мм,} \quad (6)$$

бу ерда

$h_{nr}$ -қопламанинг мустаҳкамлигига қараб ҳисобланган қоплама қалинлиги, мм.

Цементбетон, асфальтбетон ва бошқа монолит қопламаларнинг мм фраксияларидағи йиллик емирилиш қоплама қалинлиги ва емирилиш ўлчагичда қўйилган талаблар ёрдамида ўлчанади[8].

Транспорт оқими таъсирида асфальтбетон қопламаларининг эксплуатация вақтида ўзгарадиган йўл тузилишининг хусусиятларини ўлчаш транспорт ва эксплуатацион хусусиятларни башорат қилиш учун муҳим вазифа ҳисобланади[9]. Қопламанинг юзасида содир бўладиган физик жараёнлар таъсирининг ноаниклиги шароитида транспорт оқими таъсирининг ортиб кетиши хусусияти туфайли қолдик деформациянинг ҳосил бўлиши транспорт воситасининг сиртига, йўл тузилишига таъсирини математик моделлаштиришни ўз ичига олган ҳолда батафсилроқ ўрганишни талаб қиласди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Иванов Н. Н. «Устойчивость асфальтобетонных покрытий при высоких температурах». Транспорт. Союздорний вып. 79 М. 1985. – с. 21 – 25.
2. Васильев А. П. «Эксплуатация автомобильных дорог» 2- том Москва. Издательский центр «Академия» 2010 г
3. Васильев А. П. «Проектирование дорог с учетом влияния климата на условия движения». М., «Транспорт» 1996, 219 с.
4. Бараковский А.С. Морозостойкость асфальтобетонов дорожных покрытий в районах с суровыми климатическими условиями: Диссертация на соискание ученой степени канд.техн.наук. - Омск, 1980.-202 с.
5. Корсунский М. Б. Деформация дорожных одежд и фактор времени. — «Автомобильные дороги», 1961, № 7, с. 25-27.
6. Матвиенко Ф. В. “Прогнозирование величины необратимой деформации дорожной конструкции от воздействия транспортного потока” Воронеж-2010.
7. Юлдашев А.Т., Нарманов А.Қ., Маматкулов М.Т. “Влияние высоких температур на колеобразования в асфальтобетонных покрытиях” Challenges and Innovative solutions of life safety in ensuring sustainability in economic sectors.314-318 б Т:2022.
8. ИКН 63-2011- Автомобиль йўллари қопламаларини фойдаланиш даврида емирилишини аниқлаш бўйича йўриқнома.
9. Ўроқов А.Х., Нарманов А.Қ., Эграшев Қ.Х. “Асфальтбетон қопламаларидағи ғилдирак изи деформацияларининг ҳосил бўлишига оғир транспорт воситаларидан тушадиган кучларнинг таъсири”. Транспорт соҳасидаги халқаро мутахассисларни тайёрлаш. 926-929 б Т: 22.04.2022 й.